

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 70 (5. 961) • 1986 йил 25 март, сешанба • Баҳоси 3 тайил.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАЁТГА!

Тўқимачиларга—янги машиналар

Юзак қараганда, бу икки ип бир-бири билан чирмашиб кетгандек кўринади. Лекин биттасини тортиб кўришса, ҳамма нарса ойдин бўлади, қолади. Ана шу «ёлгондакам чирмашув» — янги туркумдаги пишувчи машиналарнинг иш принциpidир. Бундай машиналарни «Ўзбектекстильмаш» бирлашмасида ишлаб чиқаришга киришилди. Машина оригинал иш органи билан жиҳозланган. Конструкторлар одатдаги урчуқ ва машинанинг иш принциpidан қисмин — айридан воз кечиб унинг ўрнига аэродинамик курилма ишлатдилар. Камералардаги айланма ҳаво оқими илгарин турли томонларга буради.

Улар бир-бирига туташганида, чирмашиб кетади. Одатдаги машинада ҳар минутада 60 метр хом ип ишлаб чиқарилади. Технологияга кўра бундан ортиқ маҳсулот тайёрлаш мумкин эмас. Ўзбекистон конструкторлари ишлаб чиққан РСҚ—Ш маркали янги машинанинг унумдорлиги эса икки-уч баравар юқори.

Иш шариоитлари ҳам анча яхшиланди. Ўз-ўзидан чирмашидиган бундай пишувчи машиналари Москва яқинидаги Монини жун комбинатида синоддан муваффақиятли ўтди. Ишчиларга шовинг каймагани ва маҳсулотнинг тоза чиқаётганлиги маъқул тушди. Машинага пневматик

усулда тозалаш системаси ўрнатилган. Монтажчиларга манзур бўлгани шу бўлдики, ускуна бир-бирининг ўрнини боса оладиган секциялардан тузилган. Шу боисдан ҳам уни ўрнатишга бир-икки кун кифоя қилади.

— Янги машинани яна тақомиллаштирмоқчимиз, — дейди конструкциянинг муаллифларидан бири Ю. Миросиниченко. — Ҳозир янги машинада жун, сунъий тола ва уларнинг аралашмаси қайта ишланмоқда. Бизнинг яқин орадаги мақсадимиз — технологик жараёнларни илгери борица автоматлаштиришдир. РСҚ—Ш пахтадан ҳам ип олишни «ўрганиши» керак.

«Қизил шанбалик» тараддуди

Энг юқори унумдорликка эришилади

Октябрь Революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводининг ишчилари Москвадаги меҳнат коллективларининг 19 апрель кунини янгинача коммунистик шанбалик ўтказиш ўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар бўлиб ўтган митингда В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллигини энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашга азму қарор

қилгандиларини айтдилар. — Бу йил «Қизил шанбалик»ка тайёргарлик алоҳида мазмун касб этмоқда: КПСС XXVII съезди қарорларида олға ҳаракатимизнинг янги аниқ йўналишлари белгилан берилди, — деди ремонт-комплектлаш цехининг слесари А. В. Рязанов.

— Ҳар бир иш жойидаги зарбдор меҳнатимиз Ленин партиясининг совет кишилари фаровонлиги тўғриси-

да қилаётган ғамхўрлигига жавобимиз бўлади.

Завод коллективи коммунтистик шанбаликда смеңа топириғини анча ошириб бажариш, битта локомотив секциясини тиклаш, йигирма вагонетка, икки минг та локомотив коллодсини тайёрлаш мажбуриятини олди. Қўпгина бригада ва цехлар 19 апрель кунини йил бошидан буён тежалган энергия ресурслари ҳисобига ишлайдилар.

Ишчи—комсомол мукофоти лауреати

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида ўзининг ишчилари, ташаббускорлиги билан намуна бўлган ёшлар кўп. Шулардан бири илгор ишчи Д. Курёзовдир. Шу қадрдон қорхонада у металл кесми ва унга пардоз бериш сирларини пухта

эгаллади. Уз касбининг бу моҳир устаси бирлашмага ишлаб чиқарилаётган машина ва приборларнинг сифатини оширишга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У қорхонада ўтказилган ўзаро социалистик нусобада бир неча бор голиб чиқ-

ди. Фидокор ишчи Д. Курёзов меҳнатдаги юксак ғўратиниқари учун яқинда Бутуниттиқоқ Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Бундай юксак мукофотдан руҳланган ишчи шу кунларда янада ғайрат кўрсатиб ишламқда.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллигига бағишлаб 1986 йил 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан мамлакат илгор қорхоналарининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ва шанбалик кунини энг юқори меҳнат унумдорлиги билан нишонлаш мажбуриятини олган Октябрь Революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводининг ишчилари, Тошкент тўқимачилик комбинати, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирилмиш министригининг 4-қурилиш трести, «Главатекстроини» 1-уйсозлик комбинати, 2502-автокотлонна меҳнат коллективларининг таклифлари маъқулланди.

Бюро район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари зиммасига ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ишларни кенг тус олдириш, КПСС XXVII съездида мамлакатни социалистик ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича партия кўйган вазифаларни бажариш учун меҳнат коллективлари куч-ғайратини мажмур резервлардан максимал фойдаланишга жамулжам этишни топириди.

Бюро шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг 1985 йилдаги иш

яқунларини қўриб чиқди. Шу масала юзасидан қабул этилган қарорда партия комиссиясининг фаолиятини янада тақомиллаштириш, партия ва ҳукумат директивларининг ижросини назорат қилиш ва текширишни ташкил этишда унинг ролини ошириш бўйича тадбирлар белгиланди.

Тошкент халқ ҳўжалиғи институт ректорати ва партия комитетининг ишидаги жиддий нуқсонлар тўғрисидаги хатларни текшириш натижалари тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Бюро шунини таъкидладики, институт партия комитети, раҳбарлиғи, унинг ректори М. Шарифхўжаевнинг принципсидаги, уларнинг кадрларини танлаш ва тарбиялаш партиявий принципларини бузганлиғи оқибатида институт коллективда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, ҳўжалик шартномаларини тузиш ва унда белгиланган ишларни бажаришда молиявий бузилишлар сингари салбий кўрсаткичлар кенг тус олиб кетди.

Бюро кўрсатиб ўтилган ишларни қўпол суратда барбод этганлиғи учун КПСС аъзоси, институт ректори М. Шарифхўжаевни каттиқ партиявий жавобгарликка тортиди ва унинг бу лавозимда бундан буён қолиши мақсадга мувофиқ эмас деб топди.

Бюро ДОСААФ ташкилотлари ишларини янада яхшилаш бўйича вазифаларни қўриб чиқди. Шунингдек, шаҳар партия ташкилотлари фаолиятининг, иқтисодий ва социал ҳаётининг бошқа масалалари ҳам қўриб чиқилди.


Инсон ҳақида ғамхўрлик

Меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз граждларга комплекс хизмат кўрсатишни ташкил этиш масалаларига доир республика семинар-кеңашини бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан нотиқлар ҳўжалик ва жамоат ташкилотларининг бу масалалардаги асосий иш йўналишларини, партия ва ҳўкуматимиз талаблари асосида бу ишчи янада тақомиллаштиришга хизмат кўрсатишни янада тақомиллаштиришда соғлиқни сақлаш органларининг ва

зифалари тўғрисида гапирдилар. Семинарда меҳнатга лаёқатсиз ёлғиз граждларга комплекс хизмат кўрсатишнинг буюк кўпчилиги маъмуладан оталиқ ташкилотларининг вазифалари ўртага ташланди. Кеңаш қатнашчилари шаҳар социал-таъминот объектлари, республика уруш ва меҳнат ветеранлари пансионати, 1 ва 2-интернат-уйларни бориб қўрдилар.

Семинар ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашди.

Замондошимиз



Абдуазим Тўхтаевнинг номи кўпчиликка яхши таниш. У шаҳримиздаги мебель ойналари фабрикасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келади. 9, 10, 11 беш йилликлар зарбдори бўлган бу меҳнат ялғори ҳамон коллектив билан бир сафда туриб меҳнат қилиб келмоқда. Айниқса у қорхона ёшлари орасида катта обрў-эътиборга эга. Чунки А. Тўхтаевни ёшлар ўзларининг меҳрибон устозлари ва мураббийлари деб билишади. Қорхонада Абдуазим аканинг шогирдлари жуда қўллаб-қўллашди. Уларнинг ҳаммаси биринчи марта меҳнат сабоғини А. Тўхтаевдан олганликларидан фахрланишди.

— Қорхонага ишга келганимда ўн тўққиз ашар йилгит эдим, — дейди у. — Дастлаб оғир меҳнатга унча қўниқолмай юрдим. Лекин менга пешқадам ишчилар ҳамиша намуна бўлишди. Улардан билмаганимни сураб ўргандим. Катталардаги ишчилик, сабр-тоқат ҳамиша менга ибрат бўлди. Касба ихлоос қўйиб ишладим. Ниҳоят пешқадамлар сафидан ўрин олган кўним устозларим мени чин қалбдан табриқлашди. Ушандан бери қанча йиллар ўтиб кетди. А. Тўхтаев эса ҳамон илгорлиқни қўлдан бермай келяпти.

СУРАТДА: А. Тўхтаев.

У Н Б И Р И Н Ч И ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1-ФУРМАНОВ САЙЛОВ ОКРУГИ ВА 35-СОБИР РАҲИМОВ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

а х б о р о т

1986 йил 23 март кунини округ сайлов комиссиялари ўн биринчи қақирққ Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтказилган сайлов натижалари ҳақида олинган маълумотларини қўриб чиқдилар. Комиссиялар барча 19 уйчада сайлов Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон ССРнинг Қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқладилар.

Округ сайлов комиссиялари барча участка комиссиялари тақдим этган протоколлар асосида 1 ва 35-сайлов

округлари бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловнинг узил-кесил яқунларини аниқлади. 1-Фурманов сайлов округи бўйича сайловда қатнашган ўн сайловчиларнинг рўйхатида 14929 киши киритилган эди. 14929 сайловчи ёки уларнинг 100,0 проценти овоз беришда қатнашди. Қарши йўқ, қақирққ эмас деб топилган бюллетенлар йўқ.

35-Собир Раҳимов сайлов округи бўйича сайловда қатнашган ўн сайловчиларнинг рўйхатида 16558 киши

киритилган эди. 16558 сайловчи ёки уларнинг 100,0 проценти овоз беришда қатнашди. Қарши йўқ, қақирққ эмас деб топилган бюллетенлар йўқ.

Округ сайлов комиссиялари Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 57-моддасига асосан сайлаган қўйидаги депутатларни рўйхатга олди:

1-Фурманов сайлов округи бўйича — Ризаев Эрнест Алиевич, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари;

35-Собир Раҳимов сайлов округи бўйича — Усатов Динирий Александрович, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ.

БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун

МЕХНАТ СУЛОЛАЛАРИНИ КЕНГ ШАРАФЛАШ, МУАЯНН АВЛОДГА ХОС ЯХШИ АНЪАНАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, ЁШЛАРНИ КЕКСА АВЛОДЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ ЗАРУР.

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сийёсий докладидан).

Маълумот учун. Пойтахтнинг Ленин районида 151 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Унинг территориясида ўнлаб заводлар ва фабрикалар, 14 клуб муассасаси, 29 кутубхона, 3 музика мактаби, 6 олий ўқув юрти ва техникум. Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театри, ўзбек Давлат филармонияси ва «Ўзбекконцерт», иккита маданият ва истироҳат боғи, бешта билим юрти. 17 мактаб жойлашган.

ЯХШИ КАЙФИЯТ ОМИЛИ

Эрталабдан ёмғир шивалаб турди, кун салқин бўлди. Бироқ бу об-ҳаво районининг дам олиш клуби байрамига ташриф буюрган кишиларнинг кайфиятини бузмади. Биз эрталаб ана шу байрамга етиб келдик. Уни томоша қилиш гоётда қизиқарли бўлди. Эрталабданок бу ерда яхши кайфият ҳўкум суради. Қўз ўнгимизда темир-

йўлчилар саройининг биноси ва унинг ёнбосидаги оромгоҳда байрам шаҳарчаси пайдо бўлди. Шундан кейин районнинг турли томонидан ва бошқа жойлардан меҳмонлар кела бошлашди. Демак бу байрамнинг оммавийлиғи яхши таъминланди. Клубнинг бир неча меҳмонларига мурожаат этиб ўзларини танитишни суради.

— Александр Филатов — фахрий темирйўлчи, ёшлар мурабийси: У бу ерга қиз-

лари Галия ва Валя. набиралари Саша ва Нина билан келган.

— Ҳар биримиз бу ерда ўзинимизга ёққан томонани тандилим. Мен эса лекциялар залига йўл олдим. Унда суҳбатлар мароқли бўлди. Кўпчилик тўпланди. Чунки ҳозирги пайтда биз КПСС XXVII съезди материалларини янада чуқурроқ ўрганишимиз. Шу боисдан ҳам бизни қизиқтирган қўпгина саволлар бўйича мутахассислар ва лекторлар суҳбатини тинглаб, уларга саволлар бериш ва жавоб тинглаш гоётда мароқли бўлди. Район меҳнаткашлари билан бўлган учрашувга «Билим» жамияти лекторлари, республика прокуроври ёрдамчиси В. П. Надёжная, ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг бош наркологи М. П. Перцова келдилар.

— Яхши кайфият барчамизнинг турмушимиз ва меҳнат фаолиятимиз пайдеворини бўлади. — деб суҳбатини давом эттирди «Ўзбекистон» тепловоз депозининг машинисти Рашид Богданов. У бу клубга бутун оиласи билан келган. Исталган ишчи коллективда яхши кайфиятни

яратиш ҳаммамизга боғлиқ. Бундан учун жонажон коллективимизда, районда ва қолaversа шаҳарда бундай маросимларни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳозирда мамлакатимизда меҳнат ветеранларини қўллаш, оила, меҳнат сулоласи байрамларини нишонлаш яхши анъаналарга айланиб қолди. Булар ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Биз ишчилар икки миллиондан зиёд аҳолисини бўлган шаҳримиз кишиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш проблемасини ҳал этишга яқиндан ёрдам беришимиз керак.

ҲАЁТ УЧУН ЗАРУР

Ҳар биримиз яхши муомалага, мазмунли дам олишга муштоққим. Бундай фазилатлар кишининг руҳиятини яхшилайди, яшашимизда ёрдам беради. Дам олиш кунини клуби тадбирларига мазмунли тайёргарлик қўрилган. Бадий ҳаваскорлик коллективларининг қизиқларига қараб манзур бўлди. Энг муҳими бу тадбирларга муносиб баҳо берадиган то-

мошабинлар кўп йиғилди. Бундан ташқари ҳаваскорлик ва профессионал артистлар кўпчилигини ташкил этиди. Меҳнат ва санъат иттифоқи ўзини ёрқин намойиш этди.

Темирйўлчилар маданият саройида ишлаб турган Р. Хубларов раҳбарлиғидаги уруш ва меҳнат ветеранлари хори концерт программасини ижро этди. Бундан ташқари бир қатор қизиқарли клублар ҳам ишлади. Уларда ёшлар иккидан қолган йўлда бахшашлар, маънавий тушуқчани бойитдилар. «Кўзгү», «Резонанс» клубларининг машғулотлари қизиқарли ўтди.

Бал рақслари қўллаб турли ёшлар ишчиболларини даврасига қорлади. Ўғув рақсларини томоша қилиш завқли бўлди.

«Ўзбекфильм» студиясининг артисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўлмас Алихўжаев бошчилиғида кино санъати усталари билан учрашмиш ҳам томошабинларга мароқли бўлди. Унда Бутуниттиқоқ давлат кинематография институтини биттирганлар этюдларни кўрсатишди. Шундан кейин

«Оловли йўллар» ўн етти серияли телевизион бадий фильм ҳақида қизиқарли суҳбат бўлди. Давримизнинг буюк кишилари — Ҳамза Ҳакимзода Ниязи қабил инсонларнинг муътабар номи авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

Тепловоз машинисти, ўн биринчи беш йиллик зарбдори, 98 та оғир составли поездларни бошқарган Эргаш Нурматов байрам қатнашчиларининг фикрини изоҳлаб бундай деди:

— Дам олишимиз қанчалик завқли бўлса меҳнатимиз ҳам шунчалик жўшқин бўлади. Мен ана шу байрамни назарда тутиб айтаётиман. Бўш вақтимизни ана шундай мазмунли ўтказиш керак. Бундай тадбирларга муҳим аҳамият беришимиз керак. Бу ерда жуда кўп таниш-билишлар бир-бири билан яқин суҳбатлашишди, бир-бирининг оиласи билан яқиндан танишишди.

Машинист Николай Тарасов дам олиш клубига набираларини ҳам етаклаб келган экан. — Мен набираларимни энг яхши ёрқоқларимни кўр-

сатгани олиб келдим. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Александр Чаковскийнинг матбуотда босилган суҳбатини ўқиганман. Ундан бир қатор фикрларни ўзимга кўчириб ҳам олганман. Ёшларимизнинг келажати учун маъсуллик ҳиссини сезган катта авлод вақиллари — бизлар қандай кураш ва ғалабалар йўли билан бугунги зафарларга эришганлиғимизни ёшларимизга сабр-тоқат ва асосли қилиб тушутиришимиз керак. Ёшларимиз, болаларимиз ва набираларимиз аини чоғда биздан ибрат олиб меҳнат қилишлари ва яшашлари лозим. Бу ишда бизнинг турмуш тарзимиз — оила, коллектив ижобий таъсир кўрсатмоғи керак.

МУНОСИБ БАҲО


Яқшанба кунини фарзандларини ва набиралари билан ўзининг жонажон коллектив даврасида бундай клубларда қатнашмиш яхши олат бўлмоғи керак. Ҳар бир киши ўзини натта хонадоннинг


ҳақиқий ҳўжайини деб билмоғи лозим. Бизнинг ўзимиз ўз районимизнинг чинакам ҳўжайинлари бўлмоғимиз керак. Байрамнинг қўпгина қатнашчилари ана шундай дейишди. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонт заводининг бригада бошлиғи Қўчқор Қорабоев, шу кун темирйўлчилар саройида депутатлар хонасида навбатчилик қилган маҳаллий Советлар депутатлари хайловчи Ойбек Султонов, электрмеханик Халил Шарипов, ишлаб чиқариш мастери Т. Эрматов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов ва бошқа қўпгина кишилар бундай завқли ва қизиқарли байрамга «аъло» баҳо бердилар. Бу маросимни ҳар томонлама мазмунли ўтказишга кўпчилик муносиб ҳисса қўшди.

А. ПУЛАТОВ.

СУРАТЛАРДА: Ленин райони меҳнаткашларининг ўтган яқшанба кунини темирйўлчилар маданият саройида коллектив бўлиб дам олиш давралари.

Т. Каримов фотолари.





Болгария станоклари

Ривожланиш йўлидадан

Хиндистонда электроөвөз

Кувайт—йирик нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатларда бири ҳисобланади. Кейинги йилларда нефть маҳсулсусулотлари дан катта фойда олинмоқда. Бу эса турар жой бинолёлари қу

бир қатор муаммоларни ижобий ҳал этишга имкон берди. Ҳозирги кунда Қўвайт аҳолиси 1 ярим миллионданан ортиқтир. Уларнинг кўпчилиги Араб мамлакатларидан, Осиё давлатларидан келган кишилардир.

КПСС XXVII съезди материалларини ўрганишга доир

4. КПСС XXVII съездининг асосий якунлари ва тарихий ахамияти

Масъулиятсизлик сабоғи

Болалар соғлиғига — жиддий эътибор

асида ўз бурнини виждо-
с. КПСС XXVII съезди
ар бир кишига айчан ана
али бутун маъмуриятни
дий сабоқ бўлади.

Назоратни кучайтирайлик

бошқа ошхоналарга 3-да
а ошхонасида гўшт мах-
улотлари келиб тушган.
Назоратсизлик, ўзи бажа-
адиган вазифага ўта со-
уққонлик, бир қатор масъул
одимларнинг энг оддий са-
итари қончаларига рия

Ўйлаймизки, ўз иши учун ҳали бутун масъулиятни
инглаб етмаганларга бу ҳол жиддий сабоқ бўлади.

таъминлашга ўтказишга, ининдек, ўн иккинчи б йилликда белгиланган тошриқларга мувофиқ равишбаза мактаб ошхоналари санитариya-озик-овқат лабораторияларини таъкилэтбўйича катта ишлар озборилади.

Бу фильмни кўринг

«Тонгги бонг»

«Мосфильм» киностудиясида яратилган мазкур янги картина сценарийсини Олег Стукалов-Погодин, Аркадий Филатов, Аркадий Кордон ва Александр Бикоскийлар ҳамкорлигида ёзишган. Фильмга Аркадий Кордон режиссерлиги қилган.



Кинолента марказида Сергей Васильевич Костромин образи туради. Бу, албатта, тўқима шахс, лекин ҳаётда унинг про- топини бор. Бу киши рус со- вет академиги Владимир Ива- нович Вернадский бўлиб,

таниқли олимнинг кўпқиррали илмий меросини таҳлил эти- ши. Ҳатто эртанги долзарб ма- салалар ҳусусида фикр юри- тишади. Картинада Костромин- нинг атом тузилишини кашф этган инглиз физиги Резер- форт билан бўлган учрашуви бежиз берилмаган. Атом бом- баци кашф этилишидан анча илгари машҳур инглиз ўз каш- фиёти инсониятга ахшилик ёки ёмонлик, улкан кулфат келтириши мумкинлигига бе- фарқ қараган ва бу нарсаси олимни сергаклантирган эди.

«Тонгги бонг» картинасида Ирина Печерникова, Николай Рачинский, Марина Левтова, Леонид Кануров каби актёрлар ранг-баранг образлар яратил- ган. Фильмни оператор Роман Веселер суратга олган. Рассом Дмитрий Богородский. Музи- кани композитор Юрий Буцко басталган. Фильм, келгуси ҳафтада экранларга чиқарила- ди.

Ш. ҲИДОЯТОВ.
СУРАТДА: фильмдан кадр.

Хоккейчиларнинг бу йил- ги мавсумдаги бош расмий турнири 12—28 апрель кун- лари Москвада бўлиб ўтади. Бу 51-жаҳон чемпионати ва 62-Европа биринчилиги бўла- ди. Спорт саройида ва В. И. Ленин номидаги марказий стадионнинг кичик спорт май- доғида мусобақа катнашчи- ларини қабул қилишга амал- да ҳозирроқ ҳамма нарсаси тахт. Биз эса, мусобақалар олдида жаҳон ва Европа биринчиликлари тарихига на- зар ташлаймиз.

Ўтган биринчи чемпио- нати 1910 йилда Швейцария- нинг Лоз-Аванз курорти ях- малида ўтказилган ва инг- лизларга ғалаба келтирган эди.

Жаҳон чемпионати бирин- чи марта 1920 йилда ўтқа- зилди. Бунда Шимолий Аме- рика ва Европанинг энг куч- ли хоккей усталари Антвер- пенда бўлиб ўтган ёғи олим- пиадада куч синашган эди- лар.

Совет хоккейчилари Жа- хон ва Европа чемпионатла- рида 1954 йилдан қатнаша бошладилар. Шу вақт мобай- нида СССР терма командаси 19 марта жаҳон биринчили- ларининг ва 23 марта қитъа чемпионатларининг олтин

медалларини қўлга киритди. Канадаликлар ҳам 19 мар- та жаҳон чемпионлари (улар сўнгги марта олтин медалла- рга 1961 йилда сазовор бўлган эдилар) бўлишган. Яна бир йил ўтгач, Прагада жаҳон хоккейи «аёнларидан» бири жаҳон чемпионатларидаги га-

15 март ғалаба қозонган чехословакиялик хоккейчи- лар Европанинг энг ахши хоккей командаси номини олиш учун мусобақада ин- кинчи натижага эришганлар. Қуйидаги командалар ҳам қитъа чемпионлари бўлиш- ган: Швеция 9 марта, Англия

ва Швейцария 4 мартадан, немис хоккейчилари икки марта (1930 ва 1934 йил- лар) ғалаба қозонган, авс- триялик спортчилар икки марта биринчилиги эгаллаш- ган, Бельгия ва Франция ко- мандалари бир мартадан ғо- либ чиққан.

Жаҳон чемпионатларининг директорлари 1954 йилдан бошлаб энг ахши ўйинчилар ва ҳужумчиларни аниқлайди- ган бўлишди. 1964 йили гол- кипер ва икки ҳимоячи, 1979 йили дарвозабон, икки ҳи- моячи ва уч ҳужумчи сов-

рин олишди. Ўтган чемпио- натларда совет хоккейчилари 37 марта энг ахши, деб эъ- тирוף этилди, дарвозабон Владимир Третьяк тўрт марта, ҳимоячилар Николай Сологубов, Валерий Василь- ев ва Вячеслав Фетисов, ҳу- жумчилардан Анатолий Фир- сов ва Александр Мальцев уч марта ана шундай номга сазовор бўлдилар. «Юлдуз- лар» рўйхатида жами 21 на- фар совет хоккейчиси—икки дарвозабон, саккиз ҳимоячи ва ўн битта ҳужумчи бор. Улар Николай Пучков ва Вла- дислав Третьяк, Николай Со- логубов, Иван Трегубов, Александр Рагулин, Виталий Давидов, Валерий Васильев, Вячеслав Фетисов, Алексей Касатонов ва Эдуард Иванов, Всеволод Бобров, Вячеслав Старшинов, Константин Лок- тева, Анатолий Фирсов, Алек- сандр Мальцев, Борис Ми- хайлов, Александр Якушев, Валерий Харламов, Хельмут Балдерс, Сергей Макаров ва Виктор Шаламовлардир.

В. ДВОРЦОВ,
ТАСС мухбири.

«Тошкент оқшомининг нав- батдаги сони 27 мартда чиқа- ди».

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Шайба
ташланмасидан
олдин

лабалар сонини «йиритла- тириш» мумкин эди, бирок канадаликлар иккинчи бўлиб қолди, бизнинг терма ко- мандамиз эса учинчи ўринни эгаллади.

Ҳозирги жаҳон чемпио- нари — чехословакиялик хо- ккейчилар жаҳон чемпионат- ларининг юқори поғонасига 6 марта кўтаришганлар.

Ана шу уч командадан ташқари, шведлар уч марта, америкаликлар икки марта ва инглизлар бир марта ол- тин медал эгалари бўлиш- ган.

РЕКЛАМА

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШ-
ҚАРМАСИНИНГ

24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—1987 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИҚЛАР ГРУППАСИГА
Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ
СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқш
муддати — 1 йил.
МЕВА-САВЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқш
муддати — 8 ой.
Рус тилида ўқиш учун: «ИНТУРИСТ» ОШПАЗИ (миллий ва
чет эл таомларини тайёрлаш ўргатилади), ОФИЦИАНТ (чет
тил ўқитилади).
Ўқш муддати — 2 йил.
8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИҚЛАР ГРУППАСИГА
Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, КАНДОЛАТЧИ, САНОАТ
МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқш муддати — 3 йил.
Рус тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СО-
ТУВЧИСИ. Ўқш муддати — 3 йил.
24-ўрта ҳунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Савдо
министрлиги, СССР Чет эл туризми бўйича давлат комитети,
Ўзбекистон ССР Аграрно-саноат давлат комитети ва Чкалов номи
авиация бирлашмасининг умумий оқатланиш ва савдо корхо-

ТРИКОТАЖ—БОЛАЛАР
КИЙИМИ

ТРИКОТАЖ КОСТЮМ ЕКИ КЎЙЛАКДА БОЛАЛАР
ЎЗЛАРИНИ ҲАЯЖАНДА ЕНГИЛ ХИС ҚИЛАДИЛАР.
ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР ҲАРАКАТНИ ЧЕКЛАМАЙДИ,
ҲИЖИМЛАНМАЙДИ, ОСОН ЮВИЛАДИ ВА ДАЗМОЛЛАНА-
ДИ.

«СИЗ «МАЛИШ», «ПИОНЕР», «ЕШ ТЕХНИК»
(Большевик кўчаси, б-ка) ўй, метронинг «Халқлар дўст-
лиги» станцияси) КОМСОМОЛ-ЕШЛАР КОМПЛЕКСИ-
ДАН

ҚИЗИЛ, ЗАНГОРИ, ОҚ, КЎК РАНГДАГИ ШИМ ВА КОФ-
ТАЛАР, КОМБИНЕЗОН, СПОРТ КОСТЮМЛАРИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН



«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМА-
СИ (телефон 42-56-40).

НУРДА ЖИЛВАЛАНАДИ

БИЛЛУР ИДИШЛАРГА ЧИРОҚ НУРИ ТУШИШИ БИЛАН
УЛАР ЭРТАКЛАРДАГИ МЎЪЖИЗА БУЮМЛАР КАБИ ТОВА-
ЛАНИБ ЖИЛВАЛАНАДИ. БУ НАФИС БУЮМЛАР ЯЛТИРА-
ШИ, ШАКЛИНИНГ ЧИРОЙЛИЛИГИ, ҚИРРАЛАРИНИНГ
ЖИЛОСИ БИЛАН ХОНАГА ЎЗГАЧА ФАЙЗ КИРИТАДИ.

Анвойи гуллар гўзал кўринсин деб, биллур вазаларга солиб
қўямиз.

Гуллар маликаси — атиргул биллур гўзаллиги билан ҳамо-
ҳанглишиб туради.

СИЗ ОИЛАВИЙ
ТАНТАНАЛАР УЧУН
«ТАШХОЗТОРГ»
МАГАЗИНЛАРИДАН


БИЛЛУРДАН (мамлакат-
мизда ва чет элларда ТАЙ-
ЕРЛАНГАН) ГУЛ ВА МЕ-
ВА ВАЗАЛАРИ, КОНФЕТ-
ДОНЛАР, САЛАТДОНЛАР,
ФУЖЕРЛАР, СТАКАНЛАР,
РЮМКАЛАР, ГРАФИНЛАР

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ
МУМКИН

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)



си».
20.00 «Дунё ва ёшлар» кўрсатуви-
га ойлик илова.
21.30 «ВРЕМЯ».
22.00 Футбол бўйича ўртоқлик
учрашуви. СССР — Англия тер-
ма командалари.
23.45 «Дунё воқеалари».
● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Дўстлар». Бадний фильм.
10.50 «Оддий — мураккаб ҳақи-
қатлар».
11.20 «Бил ва уқалла».
11.50 «Константин Симонов». Ҳуж-
жатли фильм. 2-серия.
12.45 Немис тили.
13.15 «Ойга сайҳат». Уч серияли
телевизион бадний фильм пре-

мьераси (ВХР). 2-серия.
14.10 МАРИ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
ПРОГРАММАСИ.
14.50 «Болалар ва қизча». Муль-
пликацион фильм.
15.00 «Саломатлик академияси».
18.30 Янгиликлар.
18.45 Кичик концерт.
19.00 «Совет Иттифоқида хизмат
қилмади».
20.00 «Музыкалик киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин,
кичикитойлар!».
20.45 «Ҳамдустлик». Телевизион
журнал.
21.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга
тушади.
21.30 «ВРЕМЯ».
22.00 Чет эл фильмлари — экран.

● Уят I
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичикитойлар!».
8.00 «Атестик рўхда тарбиялаш».
8.10 Ишчи ёшлар учун.
8.20 «Тонгги тароналар».
8.30 «АХБОРОТ».
18.15 Янгиликлар.
18.25 «Ёшлик» студияси кўрсата-
ди.
19.00 Хотира кўнига. «Ҳеч ким ва
ҳеч нарсаси унутилмади».
19.30 «АХБОРОТ» (рус).
19.45 «КПСС XXVII СЪЕЗДИ
ХАЛҚАРО ҲАЁТИНИНГ АКТУАЛ
ПРОБЛЕМАЛАРИ ҲАҚИДА».
20.15 «Уларни театр кутмоқда».
Ҳужжатли фильм.

20.30 «АХБОРОТ».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «ВРЕМЯ».
22.00 Халқаро театр кўнига. «Те-
атр унрашувлари».
● Уят II
9.00 — 16.05 МТ II
17.00 Кўрсатувлар программаси.
17.05 «Тана» ва икки мушкетёр.
Бадний фильм (УССР).
18.15 «Пioneer телегафия».
18.25 «Икбол». Қўзлар конкурс
программасы (такрорий).
19.45 Ритмик гимнастика.
20.05 Информатика ва ҳисоблаш
техникаси асослари.
20.40 «Ёлка-ёлка турни». Теле-
фильм.
21.00 «Сизнинг бўш вақтингиз».

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА — 25/III/III да
Гўзал Василаси (12.00), Киз Князь
Игорь (17.00), 26/III да Ял Ялмо-
ғиз кампир Қорбобого қарқарин
(11, 13, 15, 17.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА
ТЕАТРИДА — 25/III да Ўғи Ўғи-
рин қароқчи урди (11, 15.05.00),
26/III Кўзининг биринчи кўни
(11.00), Келинлар кўзгоҳолони
(19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ МУЗИКАЖАЛИ
ТЕАТРИДА — 26/III да МанМангу-
лик.

КИНО

25 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АЛВИДО, ҒУР ЕШЛШЛИ-
ГИМ». — Ватан (16, 20.00, 0).
«КЕЛИНЛАР ҚЎЗГОҲОЛОНИ»
(Ўзбек тилида) — Ватан (1, 18,
21.00).

«222-РЕИС» — Москва (1, 16,
18, 20.45; телефон 33-05-01.01).
«ИКИ ЁҚЛАМА ҚОҲҚОҲОН»
— Исхра (18, 21.00; телефони
39-15-59).

«ҚАДИМИЙ ЭҲРОМ ХАҲАЗИ-
НАСИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги
(17, 20.00, телефон 33-44-54-52),
Қозонистон (17, 20.00; телефони
35-24-92), Санъат саройи (1, 16,
18, 20.45, 18.30, 20.45, те. теле-
фонлар 44-21-44, 44-21-74, 4).
«ТУРМУШГА ЧИҚМАМАНГ,
ҚИЗЛАР» — Тошкент Советини-
нинг 50 йиллиги (тоқ соатларла-
да, телефон 78-47-25).

26, 27 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: АР:

«ИЗҚУВАР» — Ватан (1, 12,
15, 18, 21.00).
«ИКИ ЁҚЛАМА ҚОҲҚОҲОН»
— Исхра (12.20, 13, 15, 21.00;
телефон 39-14-59).

«ҚАДИМИЙ ЭҲРОМ ХАҲАЗИ-
НАСИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги
(11, 14, 17, 20.00; телефон 33-
44-52), Қозонистон (11, 14, 17,
20.00; телефон 35-24-92), Санъ-
ат саройи (катта зал, 10.30, 30, 13,
16, 18.30, 20.40; телефонлар ар 44-
21-34, 44-21-44, 44-21-74).
«ТУРМУШГА ЧИҚМАМАНГ,
ҚИЗЛАР» — Тошкент Советини-
нинг 50 йиллиги (тоқ соатларла-
да, телефон 78-47-25).

«ПОТАПОВ ҲАЁТИДАН» —
Чайка (11, 13, 15, 17, 19,
21.00; телефон 77-06-20).
«ХАР ЯХШИНИНГ БИ БИР-
ЕМОНИ БОР» — Нукус (1, тоқ
соатларда, телефон 46-70-69-69).
«УЧИНЧИ АБЛОД» — М. Мос-
ква (тоқ соатларда, сўнсўнгги
сеанс 20.45 да).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРК-
КИДА «Шерлар орасида»
аттракционнинг гастроллари (25,
26/III да 10, 13, 16, 19.00 да да).

КИРОВ РАЙОНИДАГИ И
ТАБИЙ ГАЗДАН
ФОЙДАЛАНУЧИ
АВОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Янги қурилган ўрта босим,симда-
ги газопроводнинг улаиши или му-
носабати билан

26 МАРТ СОАТ 9 ДАН Н

27 МАРТ СОАТ 9 ГАЧАЧА

ЮНУСОВД МАССИВИ, И. ҲА-
САНОВ МАҲАЛЛАСИ, И. К.
МАРНОК НОМИДАГИ КОЛХОЗ-
ГА ГАЗ БЕРИШ

ТУХТАТИЛАДИ

КЎРСАТИЛГАН ВАҚТ.КТДА
ҲАМЗА АВОНЕНТЛАР
ҲАМ ПЛЛЛАТИЛАР ВА ХУСУСУ-
СИ ИСТИШ АСВОБЛАЛАРИ
КРАНЛАРИНИ БЕРКИТИТИВ
ҚЎЙИШЛАРИ ШАРТ.

«ТАШГАЗ»

БИРЛАШМАСИ. И.

Ўзбекистон ССР «М»МИН-
МОНТАЖСПЕЦСТРОИ» Г» Г А
ҚАРАШЛИ

«Ўзгасталконструкция» ил ихти-
сослашган трест
пўлат ва темир-бетон қор кон-
струкциялари монтаж қилишнинг
тайёрлаш бўйича

КЎРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИДИ

Ўқш муддати — 5 ой. I
КЎРСЛАР 18 ВА I
ДАН КАТТА ЕШДАГИ I
ҚАКЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқш даврида ойна 76 66 сўм
стипендия тўланади.

Ўқш ТОШКЕНТ ШАҲА-
РИДАГИ МАРКАЗИЙ ЎҚ ҲУВ
КОМБИНАТИДА ОЛИВ I
БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППА-
ПАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТ-
ЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАША-
НАДИ.

Мурожаат учун адрес: Т.К. Тош-
кент шаҳри, Фрунзе кўчаси
6-ўй (метронинг «Ҳамид Ол Олим-
жон» станцияси яқинида). Те. Теле-
фон 33-49-04.

ТВ

ЧОРШАНБА, 26. III

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
9.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
10.45 «Қалб покликча қолавер-
син». Телевизион ҳужжатли
фильм премьераси (Иркутск).
11.00 «Будулейнинг қайтиши».

Тўрт серияли телевизион ба-
дий фильм. 1-серия.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Балиқчилик нони». Теле-
визион ҳужжатли фильм пре-
мьераси (Владивосток).
15.40 «Гепард қайтди». Болалар
учун телевизион бадний фильм
16.45 «Теллининг музикали ман-
заралари».
17.10 Мухбирларимиз ҳикоя
қиладилар.
17.40 Ангела Халқ Республикаси
миллий ансамблининг концер-
ти.
18.15 Ю. А. Гагарин парвози-
нинг 25 йиллиги.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хушёрлик — ҳаёт норма-

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского
Компартин Узбекистана и городского Совета народных депу-
татов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет кўрили-
ши — 32-55-37; саноат ва кўрилиш — 32-57-84; шаҳар ҳуна-
лиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10;
ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бў-
лими — 33-81-42.